



# **“Жамиятда қонун устуорлигини таъминлаш - барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти” мавзусида очик муроқот ўтказилди**



“Жамиятда қонун устуорлигини таъминлаш - барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти” мавзусида Термиз тумани Адлия бўлими бошлиғи Баҳодир Ашурев иштирокида очик муроқот ташкил этилди.



Очиқ муроқот давомида сўз олганлар кейинги йилларда юртимизда қонун устуорлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилаётгани алоҳида тўхталиб ўтилди.



Шунингдек, муроқот давомида жамиятда қонун устуорлигини таъминлаш борасида Термиз тумани Адлия бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида батафсил маълумотлар берилди. Жумладан жамият ҳаётида чинакам қонун устуорлигини таъминлаш - ҳар қандай давлат учун, ҳусусан ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз учун ҳам жуда муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди.